



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзгидромет Бош директори,
Ҳайъат раиси
Ш.Х. Ҳабибуллаев
«_15_»_02_ 2021 й.

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати
марказининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишининг
4-сон БАЁНИ**

2021 йил 15 февраль

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

Ш.Х.Ҳабибуллаев

Ўзгидромет Бош директори, ҳайъат раиси

Қатнашдилар:

Б.Нишонов, Ф.Сафаров,
М.Фарзидинов, М.Плоцен,
З.Алиева

Ўзгидромет вақтинчалик ҳайъати аъзолари

Таклиф қилинганлар:

И.Умаров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг бош мутахассиси

Ўзгидромет марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар гидрометеорология бошқарма бошликлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда “Метеоинфосистем” АТБ бошликлари.

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини ташкил этиш тўғрисида (Ш.Х.Ҳабибуллаев).

II. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил биринчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида (Ш.Х.Ҳабибуллаев).

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон қарори билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати (Б.Э.Нишонов).

IV. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг тизимидағи ташкилотларда 2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари тўғрисида (М.Фарзидинов).

V. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг ва унинг тизимидағи ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 2020 йилда кўриб чиқиш ҳолати ва натижалари тўғрисидаги маълумотлари тўғрисида (М.Фарзидинов).

VI. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет” ва унинг тизимидағи ташкилотлар ходимлари орасида соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида (С.Орипова).

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини ташкил этиш тўғрисида:

(Ш.Ҳ.Ҳабибулаев, Б.Э.Нишинов, М.Плоцен, С.Абдуллаева, Р.Тарянникова, Н.Агальцева)

1.1. Ўзгидромет Ифлосланиш мониторинги бошқармаси (М.Плоцен), Йўл хартасини 251-банд бўйича, Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳолатини баҳолаш механизmlарини такомиллаштириш юзасидан 2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит мониторинги дастурини тасдиқлаш; корхоналарда атроф-муҳитнинг ифлосланиш манбалари мониторинги ва давлат экологик назоратини ўрнатиш; атроф-муҳит мониторинги тизимининг ишлаб сифатини ошириш; атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳолатини мунтазам баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гурӯҳ таркибида қатнашсин ҳамда таклифларни **2021 йил 25 февралга қадар** тақдим этсин;

1.2. Иқлим ўзгариши мониторинги бошқармаси (Б.Нишинов, С.Абдуллаева, Н.Агальцева, Р.Тарянникова), Йўл хартасини 253-банд бўйича, Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатли давлат сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига **2021 йил 1 апрелга қадар** киритилишини таъминласин.

II. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил биринчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.

(Ш.Ҳ.Ҳабибулаев, Б.Э. Нишинов, Ф.Б.Сафаров ва ҳайъат аъзолари)

2. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг вақтинчалик ҳайъат аъзолари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг 2021 йил биринчи ярим йиллик иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон қарори билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳолати бўйича:

(Ш.Х.Ҳабибуллаев, Б.Э. Ниишонов, Ф.Сафаров, Б.Холматжонов, Ф.Болтабоев,
Д.Турғунов)

4. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов) ва Кадрлар бўлими (Ш.Ибрагимова), Вазирлар Маҳкамасининг Бош мутахассиси И.Умаров таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон қарори билан белгиланган Ўзгидромет Низомини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасини муддатидатидан кечиктириб киритгани учун Ф.Сафаровга интизомий чора кўрилишини таъминласин;

5. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарори билан белгиланган муддатлари яқин қолган вазифалар бўйича назоратни кучайтириш мақсадида тизимли мониторингини олиб борсин ҳамда натижаси бўйича хар хафта ахборот киритиб борсин.

IV. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг тизимидағи ташкилотларда 2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари тўғрисида.

(М.Фарзиддинов, Д.Исҳакова, М.Вименкина, Н.Азимова)

6. “Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими - app.ijro.uz” платформаси мониторинги бўйича Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига жами 30 та Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари келиб тушган. Шулардан:

9 та Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

2 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони;

1 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши;

6 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари;

12 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари келиб тушган ва ҳужжатлар ўрнатилган тартибда, муддатларда рўйхатга олиниб, Бош директорнинг тегишли кўрсатмаларига мувофиқ ижро учун қабул қилинган.

Барча келиб тушган 30 та ҳужжатлар бўйича 30 та бевосита қарорлар - Бош директорнинг 28 та буйруқлари қабул қилинган ва уларни бажарилиши бўйича назорат режалари, чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ва барча ҳужжатлар ўз муддатида бажарилгани маълумот учун қабул қилинсин.

7. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов) келгусида тизимдаги ҳужжатларни ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин ва муддатлари яқин қолган вазифалар бўйича назоратни кучайтириш мақсадида тизимли мониторингини олиб борсин ҳамда натижаси бўйича хар хафта ахборот киритиб борсин.

8. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарори билан белгиланган муддатлари яқин қолган вазифалар бўйича назоратни кучайтириш мақсадида тизимли мониторингини олиб борсин ҳамда натижаси бўйича хар хафта ахборот киритиб борсин.

В. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази “Ўзгидромет”нинг ва унинг тизимидағи ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 2020 йилда кўриб чиқиши ҳолати ва натижалари тўғрисидаги маълумотлари тўғрисида.

(М.Фарзиддинов, Н.Азимова)

9. Жорий йил давомида Ўзгидрометга жисмоний ва юридик шахслардан жами 12 та мурожаат бевосита таалуқлилиги бўйича келиб тушган ва шулардан 10 та ёзма шаклда ҳамда 2 та электрон шаклда қабул қилинганлиги. Мурожаат тури бўйича 11 та ариза ва 1 та таклиф эканлиги, Ўзгидрометга жисмоний ва юридик шахслардан қелиб тушган мурожаат мазмуни бўйича 3 та ижтимоий-мехнатга оид муносабатлар бўйича, 3 та об-ҳаво маълумотини олиш, 2 та хуқуқий манфаатларни химоя қилишга доир ва 4 таси Ўзгидрометга таалуқли бўлмаган мурожаат эканлиги маълум бўлди. Ушбу мурожаатлар бўйича 2 та мурожаат қаноатлантирилгани ва 10 та мурожаат бўйича тушунтириш берилгани.

Бундан ташқари 2020 йил мобайнида Ўзгидромет раҳбари ва раҳбар ўринбосари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсий қабули бўйича жами 25 нафар шахс қабул қилинганлиги.

Ўзгидрометда жисмоний ва юридик шахсларнинг томонидан 2020 йил мобайнида мурожаатларни кўриб чиқишида камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун бирон-бир масъул ходим жавобгарликка тортилмагани.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида (Ўзгидромет) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига мос равища бажарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**VI. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази
“Ўзгидромет” ва унинг тизимидағи ташкилотлар ходимлари орасида
соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада
ривожлантириш түғрисида.**

(Ш.Ҳабибуллаев, А.Нарзуллаев, С.Орипова, З.Алиева)

10. Ёшлар етакчиси (С.Орипова) Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида 2021 йилга мўлжалланган спорт тадбирларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6099-сон Фармони 28-бандига мувофиқ тасдиқланган “Гидрометеорология хизмати марказида 2021 йилга мўлжалланган спорт тадбирлари календарь РЕЖАСИ”га мувофиқ ташкиллаштирилишини таъминласин.

Котиб МБИвайиБ 1-тоифали мухандис

Д.Исхакова